

# “ЧИЗМА ГЕОМЕТРИЯ ВА МУХАНДИСЛИК ГРАФИКАСИ” ФАНИНИ ЎҚИТИШДА МОДУЛ-КРЕДИТ ТИЗИМИНИ ҚҮЛЛАШ

*Табиий фанлар каф. доц. Джумабаев Х.Ю.  
ЎР ҚҚ Академияси*

**Аннотация:** Мақолада инновацион педагогик технологиялардан бири бўлган модули ўқитиши тизими чизма геометрия ва мухандислик графикасини ўқитишида амалий қўллаш масалалари кўриб чиқилган. Талабанинг ўз устида мустақил равишида ишлаш кўнижмаларини шакллантириш вазифалари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** фаол методлар, интерфаол методлар, модул-кредит тизими, инновацион педагогик технология, доимий такомиллашиб борувчи педагогик маҳорат, талабанинг ўз ўқув фаолиятини мустақил режалаштириши ва баҳолай олиш қобилияти, ўқитувчи ва талabalар ўртасидаги дискуссия, талabalар ўртасидаги дискуссия, талabalарнинг индивидуал қобилиятлари, график модуллар (мустақил топшириқлар) нинг ҳимояси ва тақдимоти.

Ҳозирги даврда таълим жараёнида “фаол методлар” ва “интерфаол методлар” кенг қўлланилмоқда. Фаол методлар “ўқитувчи=ўқувчи” схема асосида ўқитилади. Яъни ўқувчилар дарс яратувчилари ва ташкилотчилари сифатида ўқитувчи билан биргаликда дарс жараёнида қатнашадилар. Интерфаол методлар эса ўзаро алоқада бўладиган “ўқитувчи=ўқувчи” ва “ўқувчи=ўқитувчи” схемалари асосида ўқитилади. Яъни, энди нафақат ўқитувчи ўқувчини ўқитиши жараёнига жалб этади, балки ўқувчиларнинг ўzlари ўзаро сұхбатлашиб ёки баҳслашиб, ҳар бир ўқувчидаги мотивацияни уйғотади. Бу вазиятда ўқитувчи “ёрдамчи” вазифасини бажаради. Унинг вазифаси – ўқувчилардаги фаолликни жонлантириш.

Ана шундай методларни модулли-кредит тизимида қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда тараққийпарвар инсоният давлатлар ўртасида ижтимоий, иқтисодий, ҳарбий ва маданий соҳаларда ўзаро келишувга эришиш, ҳамкорликни йўлга кўйишнинг янгидан-янги йўлларини излашда давом этмоқда. Зеро инсониятнинг омон қолиши ва ривожланишда давом этишининг ягона чораси ирқий, этник, диний зиддиятларга барҳам бериш ва ўзаро бирлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатликка эришишdir.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб барча соҳаларда бўлгани каби олий таълим тизимида ҳам халқаро ҳамкорликка эришиш, олий маълумотли, малакали кадрларни тайёрлашга ягона ёндашувни қарор топтириш йўлида амалий ҳаракатлар олиб борилмоқда. Замонавий Европада ягона касбий таълим маконини яратиш учун илк қадамлар 1949 йилда қўйилди. Худди шу йили Балонъя жараёни, Европада ижтимоий, иқтисодий жараёнлар кечиши ва бирлигини таъминлашдан иборат бўлган биринчи халқаро ташкилот – Европа

Кенгаши ташкил этилди. Балонъя жараёни ягона Европа олий таълими маконини



яратиши мақсадида тузилган. 2001-йилда 29 та Европа давлатлари таълим вазирлари томонидан Балонъя деклорацияси имзоланди. Балонъя тизимининг асосий мақсади Европа олий таълимининг сифати ва самарадорлигини истиқболли ошириш, талабалар ҳамда ўқитувчиларнинг фаоллигини ривожлантириш, шунингдек, олий таълим муассасалари битирувчиларини иш билан муваффақиятли таъминлашдан иборат. Мазкур тизимни қабул қилган мамлакатлар олий касбий таълимни замонавийлаштириш, олий ўкув юртларининг Европа комиссияси томонидан молиялаштириладиган турли лойиҳаларда тенг хукуклилик, ҳамкорлик асосида катнашиш, талабалар ва ўқитувчиларни ўзаро академик алмаштириш учун янги имкониятларга эга бўлмоқдалар.

Бугунги кунда ERASMUS дастури бўйича Европа ҳамжамияти университетлари ўртасидаги талабалар алмашинуви 145 та олий ўкув юртларини қамраб олган. Улар ўртасида Европа университетлари таълими натижаларини ўзаро тан олиш тизими – ECTS (European Credit Transfer System) шакллантирилган. Кредит бирликларининг сони талабалар томонидан сарфланадиган меҳнат сарфига мос ҳолда белгиланади. Талабанинг меҳнат сарфи – аудитория машғулотлари, мустақил ишлар ва ўкув режасида кўзда тутилган бошқа фаолиятларини ўз ичига олади. Ўкув фани (модули)ни ўрганиш учун талаба томонидан сарфланган умумий меҳнат сарфи миқдори (аудитория ва мустақил иш соатлари) бир ўкув йилида 750-800 соатни ташкил этиши лозим.

“Кредит” атамаси (ECTS – credit) “синовдан ўтди” маъносини англатиб, талабанинг ўкув юртида маълум бир курс (модул)ни муваффақиятли якунлаганлиги тўғрисида маълумот беради. Модул-кредит тизими – ҳар бир ўкув фани (модули)нинг талабалар томонидан маълум миқдордаги кредит бирликлари асосида ўзлаштирилишини таъминловчи тизим. Одатда ўкув режасига киритилган фанлар бўйича ажратилган кредитлар сони 3 га тенг. ECTS да кредитлар йиғиндиси семестрда – 30 тани, ўкув йили давомида – 60 тани, бакалавриат даврида эса – 240 ни ташкил этади.

“ECTS кредит технологиясига ўтишдан кўзланган мақсад талабаларга хорижда ўқишни давом эттириш учун олий юртини танлашда шарт-шароит яратиши; муайян давлатдаги мавжуд таълим олиш муддатининг хорижий давлатларда тан олинишини таъминлаш; Европа олий юртлари ўкув режаларини ўрганиш ва шу асосида ўкув жараёнини такомиллаштириш; талабалар қобилиятини тўла ривожлантириш ва ўқитишнинг юқори натижаларига эришишдир” [4]. “Кредит тизимида ўқитишнинг афзаллиги шундан иборат ҳисобланадики, бу тизим педагогик маҳоратни доимий равища тақомиллаштириб боришни, ўкув жараёни ташкилотчиларининг малакаларини доимий равища ошириб боришни, илфор тажриба алмашувларини талаб қиласи” [1].

“Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фани умуммуҳандислик фанларининг энг асосийларидан бири саналади. Дастрлабки босқичда, фанни баён этишда, ўрта мактабнинг геометрия ва чизмачилик фанлари бўйича дастурлар билан уйғунлаштириш мақсадга мувофиқдир. Ишчи дастурларда талабаларнинг индивидуал хусусиятларини, уларнинг тайёргарлик даражаларини, дастурларнинг методик жиҳатдан мувофиқлашганлигини ва янги инновацион технологиялар бўйича ўқитишнинг хусусиятларини эътиборга олиш зарурдир. Мақсадни қўйишга бўлган қобилиятни ривожлантириш, ўзининг ўкув фаолиятини (меҳнатини) режалаштиришни ривожлантира олиш ва уни мустақил равища бажариш, ўз фаолиятини баҳолаш қобилиятини ривожлантириш каби талаблар талабанинг илмий салоҳиятини янада юқорига кўтаради.

“Чизма геометрия” ва “Муҳандислик графикаси” бўлимларининг барча таркиби бешта модулга ажратилган:



| Чизма геометрия  | Мұхандислик графикаси  |
|--|--|
| Нүкта. Түғри чизик. Түғри чизикларнинг ўзаро вазиятлари  | График ҳужжатларни расмийлаштириш                                  |
| Текислик. Текисликнинг бош чизиклари. Текисликларнинг ўзаро вазиятлари   | Мұхандислик курилиш чизмачилиги                                    |
| Күпёкли сиртлар. Күпёкликларнинг текислик ва түғри чизик билан кесишиши. Күпёкликларнинг ўзаро кесишиши          | Ажralадиган ва ажralмайдиган бирикmalар                            |
| Эгри чизиклар. Эгри сиртлар. Эгри сиртларнинг текислик ва түғри чизик билан кесишиши. Сиртларнинг ўзаро кесишиши | Ишлаб чиқариш буюмлари ва конструкторлик ҳужжатлари                |
| Үқув модулининг комплекс чизмаси ва аксонометрик проекцияси  | Компьютер графикаси асослари. AutoCAD дастурида чизмаларни бажариш |

Мавзу бүйича үқув модули схематик тарзда қуидагиша бўлади:

|                   |                                   |                   |
|-------------------|-----------------------------------|-------------------|
| Кириш қисми -10 % | Диалог (сўзлашув)<br>қисми – 80 % | Якуний қисм – 10% |
|-------------------|-----------------------------------|-------------------|

Үқув модулининг кириш қисми сухбат кўринишида ўтказилади. Бунда мақсад ва фаолият мотивациясини аниқ ва саводхонлик билан қўйиш талаб қилинади. Мақсад барча модулга қўйилади ва талабаларга тушунарли тарзда баён этилади. Модулнинг мақсадини тушунишгач, талабалар қандай натижаларга эришишларини тушунишлари лозим. Ҳар бир модулни ўрганиш натижалари бўйича график иш бажарилади. Машғулотларда олинган маълумотлардан ташқари, талабалар ахборотларнинг кўпчилик қисмини үқув, услугубий қўлланмаларни ва бошқа адабиётларни ўқиб-ўрганиш жараёнида олишлари керак бўлади. Диалог (сўзлашув) қисмida ўқитишининг фаол ва ўз қимматига эга бўлган мукаммал технологияси танланади. Бунда үқув масаласининг мазмунига эмас, балки уни ечишнинг усуулларига урғу берилади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу жараёнда ўқитувчи, худди илгаригидек, талабага ахборот берувчи манба бўлиб эмас, балки талабани изланишга ундовчи руҳий манба сифатида ва ахборотни олишда ташкилотчи сифатида бўлади. Амалий машғулотларда талабаларнинг ақлий фаолиятини рафбатлантирувчи қуидаги янги технологиялардан фойдаланилади:

- **жамоа шаклида** – фикрлар ҳужуми ёки “ақлий ҳужум”, дискуссия (мунозара, баҳслашув), тақдимот, хабар беришлар, ишбилармонлик ўйини, кичик гурӯхларда ишлаш;

- **индивидуал шаклда** – тестлар билан ишлаш, метрик ва позицион масалаларни ечишда мустақил ишлар, график ясашлар талаб қилинмаганда блоклар билан ишлаш, аммо бунда чизмаларни дикқат билан “кўриб чиқиш”га ва улардаги бўлган ахборотларни солишишишга ўргатилади.

Бундай технологияларни қўллашнинг асосий натижалари – талабалар томонидан биргалиқдаги ишлашнинг қимматлигини англаш ва тушуниб етиш, юзага келган муаммоларни (масалаларни) ечиши ташкил этиш ва режалаштиришни амалга оширишdir. Шуни таъкидлаш мумкинки, таълим жараёнида ташаббус кўрсатадиган ва уни қўллаб-қувватлаш имконига эга бўлган талабалар, сўнгги натижада, келажакдаги мутахассиснинг қўплаб ажойиб сифатига эга бўладилар. Улар ўз билимларини янада такомиллаштириш учун доимо масъул бўладилар, билим



олиш фаолиятида ижодий илхом тўплайдилар, масалаларни ечиш учун чуқур мулоҳаза билан мақбул (оптимал) стратегияларни танлайдилар, ҳамкорликда ишлаш фаолиятига мойил бўладилар. Натижада ахборотлар билан эркин ишлаш кўнкимларига эга бўладилар.

**Фикрлар хужуми ёки “ақлий хужм”** янги материални ўрганишда ёки ўтилганларни умумлаштиришдаги сўровномада кўлланилади. Бу методнинг мақсади, авваламбор, ўкув масаласини ёки муаммосини талабаларнинг ижодий фикрларини бирлаштириш воситасида ҳал қилиш (ечиш), ҳар бир талаба ўз фикрини кўшиш имконига эга бўлганда, “жамоавий ақлни” яратиш ҳисобланади. Бу методнинг ўзига хос хусусияти талабаларнинг ташаббускорликлари ҳисобланади, бу ташаббускорликни ўқитувчи ёрдамчи – шерик позициясида туриб талабаларда қизиқишини янада ортиради.

**Дискуссия (мунозара, баҳслашув)** методи талабаларнинг билимларини текширишда, Интернет тармоғидан ва бошқалардан янги ахборотларни етказиша қўлланилади. Дискуссия ўқитувчи ва талабалар ўртасида қўлланилса – фаол метод, талабаларнинг ўзлари ўртасида қўлланилса – интерфаол метод сифатида қабул қилинади. Талабаларга ўз билимларини ва ютуқларини курсдошларига (тengқурларига) ахборот сифатида бериш имкони яратилади. Ахборот беришлар 3 -4 та одамдан иборат кичик групчларда тайёрланади. Бундай метод “кучсиз” талабанинг “кучли” талаба олдидағи бўлган ишончсизлигини йўқотади. Бунда иккинчи даражали мақсад бўлиб, нутқ ўстириш, “Мен – концепция” тарбияси, ўзига ўзи баҳо беришни уddyалашни ривожлантириш кабилар бўлиши мумкин.

“Муҳандислик графикаси” курсини ўрганиш чизма геометриянинг назарий материалларига ҳамда меъёрий хужжатлар, КХЯТ (КОНСТРУКТОРЛИК ХУЖЖАТЛАРИНИНГ ЯГОНА ТИЗИМИ) нинг давлат стандартларига асосланади. Муҳандислик графикасининг асосий масалалари тегишли модуллар бўйича йўл – йўриқ кўрсатиш (йўналтирувчи) маърузалари шаклида баён этилади. “Умумий кўриниш чизмаларини ўқиш ва деталлаштириш” модулини ўрганишда, амалий машғулотларда ишбилармонлик ўйини ўтказилади. Бундай машғулотларнинг мақсади – график, конструкторлик ва технологик ихтисосликнинг мураккаб муаммоларини таҳлил қилиш ва ечишни уddyаламоқдир, реал лойиҳавий шароитларга яқин бўлган ишлаб чиқаришда ҳамкорлик тажрибасини эгаллашдир. Бунда ҳар бир талаба маълум бир иш ҳажми учун масъул бўлади, талаба ўзини шахс сифатида эътироф этиш ҳиссини туюди, қўйилган мақсадга интилиш, вазифаларни уddyалаш учун ижодий фикрлашнинг муҳимлигини тушуниб етади. Ишбилармонлик ўйини ўқитувчининг авторитар (якка ҳокимлик) фаолиятига мўлжалланмаган. Етакчи конструкторлар орасидан бош конструктор танлаб олинади, у жамоавий карор қабул қиласи ва жавобгар ҳисобланади, топшириқларни бажариш муддатини белгилайди, ижрочиларга функционал вазифаларни тақсимлайди.

**График модуллар** учун топшириқлар Зта даражада ишлаб чиқилган, улар ўзаро мураккабликлари билан, уларни бажариш учун ажратилган аудитория соатлари билан фарқ қиласи, ҳамда бунда талабаларнинг тайёргарлик даражалари ҳам ҳисобга олинади. Масалан, “Муҳандислик графикаси” бўлими бўйича 1 – график модул “Геометрик чизмачилик” деган номда юритилади.

“Биринчи даража” қиялик, конуслик, туташма, ўлчамлар қўйиш каби тушунчалар ҳақидаги билимларни ўз ичига олиши мумкин. “Иккинчи даража” график материалларни белгилашдаги қўшимча материалларни, стандарт шрифт ёзувларини бажаришни ўз ичига олади. “Учинчи даража” эса машғулотларда кўриб чиқилмайдиган, балки талабаларнинг ўзлари мустақил ўзгаришлари учун уларга такдим этиладиган бўлимларни ўз ичига олади. Мисол учун, мунтазам кўпёқликлар, туташмалар, эллипс, овал, парабола ва ҳ.к. Бажарилган топшириқлар



танланган бошланғич даражадан бошлаб баҳоланади. Топшириқларнинг биринчи даражаси, график тайёргарлигининг таянч даражаси етарли бўлмаган кучсиз талабага мўлжалланган. Топшириқларнинг иккинчи даражаси эса, фан бўйича дастурий материални ўзлаштириш учун зарурий билим, эплай олиш (уддалаш) ва кўникмаларнинг минимал даражадаги мазмунига мос келади. Учинчи даражада эса ўқув материалини чуқур ўрганишга ёрдам беради.

Ўқув модулининг учинчи қисми якунловчи хисобланади. Назорат тадбирлари бажарилган график модулнинг химояси одатда фан бўйича имтиҳонда якуний тестлардан фойдаланиш орқали оғзаки характерда бўлади. График модуллар (мустакил топшириқлар)нинг химояси ва тақдимоти уларнинг тўғри бажарилганлигини текшириш мақсадида гурухли шаклда ёки индивидуал ҳолда бўлиши мумкин. Ўтилган материални умумлаштиришни ва уни очиқ тақдим этишини уддалаш, курснинг мавзулари орасида мантиқий боғлиқликни кузатиш керак бўлади.

“Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанининг ўзига хос хусусиятларини хисобга олган ҳолда, ақлий тажриба даражаси бўйича таҳлил мазмуни натижалари қўйидаги хуносаларни чиқариш имконини берди:

1. Когнитив тажрибани бойитиш учун талабалардан етарли даражада

уддалай билишни (эплай олишни) талаб этиш керак. Демак, уларни ўқув жараёнининг бошланғич палласида турли хил тестлардан фойдаланиб шакллантириш керак.

2. Интеллектуал назоратнинг таркибий элементларига қўйидагилар киради:

мақсадни қўйиш қобилиятлари, ўзининг интеллектуал сифатларини баҳолаш, назоратни амалга оширишни уддаламоқ, ўзининг интеллектуал фаолиятини онгли бошқариш. Булар ақлий фаолиятнинг мета когнитив тажрибасини ташкил этади.

3. Ўқув жараёнида талабаларнинг БКМ (билим, кўникма, малака)ларини

шакллантириш, ақлий тажрибасини бойитиш учун ўқув режасини талабага индивидуал таълим траекторияси (ҳаракат йўли)ни тузиш имконини бериш билан ташкил этиш зарурдир.

## Адабиётлар

- Султанов Х.Э.,Худайбердиев П.У.,Собиров С.Т.Непрерывное образование в Узбекистане как требование времени // Педагогика “Молодой учёный”, №4 (138). Январь, 2017.
- Султанов Х.Э., Анкабаев Р.Т., Хасanova Н., Чориева Н. Инновационные методы обучения на занятиях по изобразительному искусству. “Актуальные вопросы современной педагогики” Халқаро илмий конференция (Самара,март, 2017 й.)
- Основы кредитной системы обучения в Казахстане – С.Б. Абдыгаппарова, Г.К. Ахметова, С.Р. Ибатуллин, А.А. Кусаинов, Б.А. Мырзалиев, С.М. Омирбаев; Алматы. Казахстанский национальный университет, 2004.
- Утемов В.В., Зинковкина М.М., Горев П.М. З. Педагогика креативности: прикладной курс научного творчества / Учеб. пособие. – Киров: АНОО “Межрегиональный ЦИТО”, 2013.
- В. Большаков – Инженерная и компьютерная графика. Учебное пособие. СПб.: БХВ – Петербург, 2004.

